

Муфтий Усмонхон Алимов Вена шаҳридаги халқаро анжуманда иштирок этади



14:00 / 18.06.2019 1599

Бугун 18 июнь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхул ислом Оллоҳшукур Пошшозоданинг таклифига биноан Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда иштирок этиш учун жўнаб кетди.

Ушбу йирик анжуман Кавказ мусулмонлари идораси ташаббуси билан Австриянинг Федерал ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилган. Унда Ислом бирдамлиги ва динлараро мулоқот мавзулари муҳокама қилинади. Кўплаб давлат ва дин арбоблари, таниқли уламолар қатнашади.